

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2009 ЙИЛ 9 ОЙИ МОБАЙНИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инвестиция дастурининг амалга оширилиши давомида 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 9008,9 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 28,3 фоизга кўпдир. Марказлашмаган инвестицияларнинг ўсиш суръати 133,3 фоизни ташкил этди. Иқтисодийга қиратишган барча капитал қўйилмалар умумий ҳажмида ишлаб чиқариш қурилишига 72,8 фоиз инвестициялар йўналтирилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида кулай ишбилармонлик муҳитининг салқиниши 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан ўзлаштирилган тўридан-тўри хорижий инвестициялар ҳажмининг 2 баравар ошишига кўмаклашди ва уларнинг ҳажми 1534,4 миллион доллардан ҳажмидаги улushi 2008 йилнинг 9 ойидagi 16 фоиз ўрнига 24,8 фоизга етди.

Шу йилнинг январь-сентябрь ойлари давмида 371 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, жумладан: энгил санаетида — 71 та, озиқ-овқат санаетида — 139 та, қурилиш материаллари санаетида — 122 та, машина-созликда — 13 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларида — 10 та объект фойдаланишга топширилди.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурларининг ижроси доирасида ҳисобот даврида ёқула ва қимм санаетида, машинасозликда, қора металлургияда, қурилиш материаллари санаетида, пахта тозалаш тармоғида, фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат санаетида ва бошқа тармоқларда 156 та лойиҳа амалга оширилди.

Ёқула санаети корхоналарини бургилаш мосламалари ва 3Д сейсмодиқрув комплекслари билан ажвотлаш, «Идас Электроникс» МҶК кўйма корхонасида автомобиль ун рақамли соатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, «УстунҲон» кўйма корхонасида автомобиль ўриндиқларини ва «Узқодим» кўйма корхонасида автомобиль электржуғалари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича лойиҳалар ташкил қилинди.

Хар биринда 40-45 минг тонна пахта ҳам ашёсини қайта ишлаш қувватига эга 9 та пахта тозалаш заводи модернизация ва реконструкция қилинди. Қопилгани нон ишлаб чиқариш бўйича корхоналарини модернизация қилиш ва қопилгани нон ишлаб чиқариш бўйича замонавий кичик корхоналарни қуриш дастури асосида 100 та объект ишга туширилди.

Электроэнергетикани модернизациялаш, энергия сарфини қисқарттириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш дастурларининг амалга ошириш доирасида шу йилнинг 9 ойи давомида электр тармоқларида электр энергия сарфининг аниқ ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш имконини берадиган 361,4 минг данга электр хисоблагичлар ўрнатилди. «Янги ЭнерҒ ТЭС» — «Ўзбекистон» подстанцияси йўналиши бўйича 500 кВли «Ўзбекистон» подстанциясининг қурилиш ишларида етказилди ва бу ерда 501 минг кВтга қувватга эга автотрансформатор ўрнатилди, 169,4 км.га 500 кВли қуриш қурилиши ҳамда 8,4 км.га 220 кВ қурилган линейлар ўтказилди. 500 кВли Фуқор-Сурхон юқори вольтли линияси қурилиш ишларида етказилди.

Уй-жой қурилиш қўлимани кенгайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида уй-жой фонди объектиларини тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланидиган 1012 та иқтисодлаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этилди. Бу 13,6 минг қўшимча янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади. Иқтисодлаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан умумий қиймати 72,8 миллиард сўмлик қурилиш ишларини амалга оширишга доир 1370 та шартнома тузилди.

Республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ қурилишни кенгайтириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» ошқ акциядорлик тижорат банки ва «Қишлоқ қурилиш ширкати» инжиниринг компаниясининг бўлимлари ташкил этилди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилишни кредитлаш ҳамда амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди, қишлоқ қурилишида фойдаланиш учун яққа тартибдаги уй-жой ва ижтимоий-маданий объектлар намунавий лойиҳалари-

нинг республика кўргазмаси ўтказилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда тураржойнинг 22 та намунавий лойиҳаси бўйича комплекс уй-жой қурилиши ва ижтимоий-маданий объектларнинг 16 та лойиҳасини барпо этиш учун 42 массив белгиланди.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси шафелигида деворбош ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича янги санает корхоналари ташкил этилмоқда.

Умуман, жорий йилнинг 9 ойи мобаида 6361 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларида 4728,8 минг квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилди.

III. Мамлакатимиз корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва санает ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пайсантириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг товар ва хизматларига бўлган ички талабни рағбатлантириш борасида фаол чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таркибий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари санает тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг 9 ойида машинасозлик ва металл ишлаб бериш (117,5 фоиз), қимм ва нефть-қимм (113,4 фоиз), ёқули (112,9 фоиз), қора металлургия (112,3 фоиз) ва қурилиш материаллари санаети (110,3 фоиз) соҳаларида санает маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг айланма капиталини тўлдирди ва 160 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар актрлади. Бу эса уларнинг маҳсулотини экспорт қилиш билан боғлиқ вақтинчалик қийинчиликлар сабабли ишлаб чиқаришнинг қисқаришини олдини олишга ёрдам берди. Бир қатор корхоналарда кредитдорлик қарзлар бюджетга тўловларни тўлаш муддатини кенчиктириш шаклида реструктуризация қилинди, бюджет, бюджетдан ташқари жағмараларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича умумий қиймати қариб 56 миллиард сўмга тенг пеня ва жарима санкциялари ҳисобдан чиқарилди ва бу мақсуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини сезиларли равишда қўллаб-қувватлаш имконини берди. 48 та экспортчи корхона бўйича мuddатли кенчиктирилган ва жорий қарз маблағлари, жумладан, фойзалар бўйича тўловлар, банк кредитлари бўйича жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш орқали реструктуризация қилинди.

Ресурсларни тежаш, ҳам ашё ва материаллар нархини пайсантириш, энергия сарфини камайтириш, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш сарфларини оптималлаштиришга доир қўрилган чора-тадбирлар электр энергетика, қўним, қимм, электротехника, тегириком, фармацевтика санаети, машинасозлик, қора металлургия ва қурилиш материаллари санаети **корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини қисқарттириш ва маҳсулотнинг нархи билан боғлиқ рақобатбардошлигини оширишни** таъминлаш имконини берди. Мақсуд чора-тадбирлар микдори 100 миллион доллардан ортиқ натрийли селитра, сувоқ шлор, метанол, сиркакцеталдегит, парафин каби янги маҳсулотлар, шунингдек, нефтини қайта ишлаш ва нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нефть-қимм ускуналарини таъмирлаш бўйича толийн хизматларини қўшимча экспорт қилиш имконини берди.

Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотига ички талабни ноинфляция рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материалларни ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобаида 318 та корхонада 806 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3023,3 миллиард сўмини ташкил этди. Бунда импорт ўрнини бо-

сиш самарадорлиги 2635,4 миллион долларни ташкил этди (ўсиш 2,1 баравар). Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг республика санает ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улushi ўтган йилнинг шу давридаги 13,1 фоиз ўрнига 14,9 фоизни ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қиймати 660 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этадиган технология ускуналар, ҳам ашё ва материаллар сотиб олиш учун кредитлар ажратилиши, шунингдек, маҳсулотларни истеъмолчиларга барқарор етказишни таъминлаш ва етказиб беришининг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни 13,7, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 7,7 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 18,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

IV. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқларни ободонлаштириш дастурларини амалга ошириш

Жорий йилнинг 9 ойи мобаида **транспорт инфратузилмасини ривожлантириш** чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 151,4 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш мақсадида амалга оширилди. Ерни тайёрлаш бўйича йўл ишларини бажариш, ҳаракатланиш йўлини 4 полосоғача кенгайтириш қузда тутилган серкватон автомобиль йўллари участкаларига 27 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Узунлиги 457,5 погон метр бўлган 15 та кўприк ва 256,5 километр автомобиль йўли, шу жумладан, янги «Гулистон — Охангарон» йўналишидаги автомобиль йўлининг 24 километр узунлигидаги участкаси фойдаланишга топширилди.

«Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш доирасида узунлиги 2,2 километр бўлган қириш йўли, 4,7 километр темир йўли барпо этилди, узунлиги 2,1 километр ташқи электр тармоғи, 6,3 километр газ қувури ўтказилди, ишлаб чиқариш участкаларини қуриш учун техник ва шахнат ресурсларини сафарбар этишга оид ишлар давом эттирилмоқда.

Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга доир лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобаида Сугориладиган ерларни мелiorатив яхшилаш фонди маблағлари ҳисобидан 94 та объектада умумий узунлиги 694,9 километр коллектор ва дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ҳамда қуриш, 263 та объектада умумий узунлиги 10 минг километрдан ортиқ дренаж тизимларини тозалаш бўйича таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилиди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш доирасида шу йилнинг 9 ойи давомида 206,2 минг нафар қўқучига мўлжалланган 899 та умумтаълим мактаби, 108,3 минг қўқучига мўлжалланган 181 та касб-хўнар келлежи, 11,5 минг нафар қўқучига мўлжалланган 18 та академик лицей, 169 та болалар спорт объект, 235 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди ва капитал реконструкция қилинди. 2122,3 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 1680,8 километр сув қувурлари тармоғи фойдаланишга топширилди.

«Қишлоқ тараққийи ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, 2009 йилнинг 9 ойида 2694,6 километр электр узатиш линиялари, 276,6 километр газ тақсимлаш тармоқлари таъмирланди, 760,8 километр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 577 километр газ тармоқлари ишга туширилди. Чекка ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшаётган қишлоқ аҳолисига суоптирилган газни узлуксиз етказиб бериш бўйича 55 та сервис марказини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

V. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни давом эттириш

Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқатлар билан барқарор таъминлаш ва унинг озиқ-овқат товарла-

рига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида муқобил исити манбаларидан фойдаланган ҳолда, умумий майдони 500 гектар бўлган энгил конструкцияли 866 та иссиқхона барпо этилди, аванс бериш, мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка харид қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича 13,7 та ҳудудий иқтисодлаштириш «Мева-сабзавоттайёрловасавдо» компанияси, мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар билан жиғозланган 107 та қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг 9 ойида 7 миллион тоннадан ортиқ галла етиштирилди ва бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 15 мингдан кўпдир. Экин майдонларини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг жойлаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳисобидан сабзавот етиштириш 10,4, картошка етиштириш 12,1, полиз экинларини етиштириш 13,7, мева ва резаворлар етиштириш 12,8, узум етиштириш 20,9 фоизга кўпайди. 253,4 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида қиммоти савдолари орқали шахсий ердами ва фермер хўжалиқларига қарий 19 минг бош зотдор мол сотилди, кам таъминланган оилаларга бегараз асосда 15 мингтадан зиёд ситир берилди. 145 та зооветеринария пункти ва ситирларни сўнуйи урчишиш бўйича 78 та пункт ташкил этилди. Тижорат банклари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазириликнинг Бандликка кўмаклашиш жағмарамси томонидан аҳолига қорамол сотиб олиши учун 375 миллиард сўм ажратилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобаида 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан қорамол сони 7,1, гўшт етиштириш 7,3, сут етиштириш 8,2 фоизга кўпайди.

VI. Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш

Кичик бизнесни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг 9 ойида бизнес юриштиш учун рўхсат олиш жараёнини соддалаштириш ва уларнинг ҳаракатини пайсантириш, шунингдек, кичик бизнес корхоналарининг банклар кредит ресурсларидан, ҳам ашё ва материаллардан фойдаланиш, давлат мулкни ҳисоблаган бўш ётган бино ва иншоотларни ижарага олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳамда бошқа чора-тадбирлар қўрилди.

Хисобот даврида архитектура-режалаштириш топширигини олиш қиймати 4, лойиҳа-ошета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати 2,5, кадраст ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати 2,2 бараварга, экологик шартномаларни олиш қиймати уртача 40 фоизга, тураржой иншоотларини яшашга мўлжалланмаган тоифага ўтказиш давомида архитектура-режалаштириш топширигини олиш қиймати энг кам иш ҳақининг 18,5 бараваридан 2 бараваригача, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш қиймати энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 2 бараваригача камайтирилди. Қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш учун рўхсат бериш жараёнини тарифлари қўшимча равишда 50 фоизга пайсантирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар умумий микдори 2008 йилнинг шу давридагига қараганда 69,5 фоизга ошди.

Хўжимкалар ва давлат муассасалари балансида бўлган фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни халтовдан ўзлаштириш яқнлари бўйича тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш учун умумий майдони 236 минг квадрат метр бўлган 1739 та иншоот ижарага берилди.

Натижада 2009 йилнинг 9 ойи давомида кичик корхоналар сони 5,9 фоизга кўпайди (фермер хўжалиқлари бундан мустасно). Кичик бизнеснинг улushi санаетда 16,6, иш билан бандлар умумий сонида 73,8, экспортда 13,9 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда санает ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати

119,6 фоизни ташкил этди ва бу санает тармоғи бўйича уртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмани ташкил этишга доир дастурларни амалга ошириш учун шу йилнинг 9 ойида, жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазириликнинг Бандликка кўмаклашиш жағмарамси маблағлари ҳисобидан қариб 12 миллиард сўм йўналтирилди.

Рақамли АТСларни 628 тадан 805 тагача қўпайтириш алоҳа ҳамда ахборотлаштириш хизматларини 32,6 фоизга ошириш имконини берди. Микро ва истеъмол кредитларини ривожлантириш, тўлов тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, инфратузилмани ривожлантиришга оид қўрилган чора-тадбирлар молия хизматлари ҳажмининг 21,1 фоизга кўпайтиришга ёрдам берди. 2,3 мингдан ортиқ янги чакана савдо корхонаси, 500 дан зиёд умумий оқватлиши корхонасининг фойдаланишга топширилиши савдо ва умумий оқватланиш хизмати кўрсатишни 19,5 фоизга ошириш имконини яратди. Техника ва автомобилларни таъмирлаш бўйича сервис пунктларидан самарали фойдаланиш автомобилларига ҳамда бошқа техникани таъмирлаш хизматларининг 28,5 фоизга ўсишини таъминлади. Ўтган 9 ойи мобаида 3,5 мингдан ортиқ мавий хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда қўрсатилаётган ва 140 мингта иш ўринини ташкил этишни таъминлаш хизматлар жадал ривожланмоқда. Хизматлар умумий ҳажмида қишлоқ жойларда қўрсатилган хизматлар улushi 24,8 фоизни ташкил қилди. Жорий йилнинг 9 ойида қўрсатилган хизматлар ҳажми 15,8, уларнинг ялли ички маҳсулотдаги улushi ўтган йилнинг шу давридаги 44,9 фоиз ўрнига 46,5 фоизни ташкил этди.

VII. Аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини оширишни таъминлаш

Хисобот даврида 743,5 мингта иш ўрни ташкил этилди, уларнинг 464,6 мингдан кўпроғи қишлоқ жойларга тўғри келди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларининг олдини олиш ва барфараз этиш чора-тадбирлари дастури доирасида эса 213,3 мингта иш ўрни яратилди. Иш ўринларининг катта қисми (311,1 мингтаси) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди. Хўжалик бирлашмалари ва ҳокимиятларини қасаначиликни кенгайтириш чора-тадбирларини амалга оширишга фаол жалб қилиш ҳисобидан 156,5 мингта иш ўрни яратилди.

Хисобот даврида бандлик ва ижтимоий муҳофазани таъминлашга доир тизимли ҳамда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли даромади ва турмуш сифатини ошириш тенденцияси сақланди. 2009 йилнинг январь-август ойларида реал пул даромадлари 26,1 фоизга ошди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ижобий натижалари шу йилнинг октябрида Халқаро валюта жағмарамсининг АҚШ, Голландия, Франция, Хитой, Швейцария ва Германиядан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган асосий ижрочи директорлари миссияси томонидан ижобий баҳоланди. Миссия Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни Ўзбекистонга ўзининг салбий таъсирини деярли ўқшас олмагани, бунда ҳўкуматнинг иқтисодий ўсиш ва инқироз таъсирини қарши туриш учун зағур бўлган қўллаб-қувватлаш ресурсларини жалмаган ҳолда, хар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб боргани муҳим омил бўлганини таъкидлади.

Яқни йилларда иқтисодий юксалишининг барқарор, юқори суръатларини сақлаш, аҳоли бандлиги ва унинг фаровонлигини янада оширишни таъминлашга доир иқтисодий сиёсатнинг асосий вазиқаси мамлакатимиз иқтисодий салвоҳияти ва Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларининг олдини олиш ва барфараз этиш чора-тадбирларининг дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўлмали тадбирлар натижаларидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ТАЖРИБА ВА ЯНГИЛАНИШ УЙ ҲУҚУҚИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизимини шаклланди. Сайловнинг самарали, умумэтироф этилган халқаро мейёрларга ва принципларга мос келадиган ҳуқуқий базаси яратилди. Уни янада тақомиллаштириш давлатимиз сиёсий раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида қаралмоқда. Ушбу ривожланиш жараёни сайловдан сайловгача бўлган даврда тўпланган тажриба ҳамда халқаро сайлов стандартларини миллий қўнуччиликка татбиқ этиш амалиётини назарда тулган ҳолда амалга оширилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ағнас Нурдинжон ИСМОИЛОВ мамлакатимиз сайлов қўнуччилиги тақомиллашувининг айрим жиҳатлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди.

— Мамлакатимиз сайлов қўнуччилигининг тақомиллашуви ҳақидаги сўхбатимизни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонундан бошлашас, мақсадаги мавофиқ бўларди. Унга 1997 йил декабрда, 1999 йил августда ва 2000 йил майида тегшли тузатишлар киритилган. Улар кузатувчилар институтига, депутатликка номзодларга қўйиладиган талабларга тегшли ҳуқуқий нормаларни янада батафсил, аниқ қилиб қўрсатишга, сайловолди ташвиқоти оғиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сиёсий партиялар тенглигини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини оидлаштиришга қаратилган эди. 2002 йилда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунларига қўра, ушбу Қонун 2003 йилда янги тахрирда қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу Қонунни тақомиллаштириш асосида ўтди халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топан ва ҳақиқий демократик сайлов ўқатилишини кафолатловчи барча асосий нормалар сақланиб қолган ва ривожлантирилган. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг роли ва нуфузи оғиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, ҳокимият вакиллик органларидан номзодлар кўрсатиш институти бекор

қилинди. Ушбу Қонунга 2004 йилнинг декабрида ва 2008 йилнинг декабрида киритилган ўзгаришлар қўра, сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар орасида хотин-қизлар сони ўттиз фоиздан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, сайлов бюллетенларини тўлдиршиш ва уларни санаб чиқиш тартибига тааллуқли бошқа ўзгаришлар ҳам киритилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлов қўнуччилигига киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада эркинлаштиришга ва демократлаштиришга, сайлов жараёни иштирокчилари орасида соғлом сиёсий рақобат учун қўлай шарт-шароит яратишга, фуқароларнинг актив ва пасив сайлов ҳуқуқини амалга ошириш орқали сайловда широк етиштирилган кенгайтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнуччилик ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам ана шундай ҳужжатлар категорияси қиради.

Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонининг кўпайтирилиши, сайловчилар ташаббускор гуруҳларини институтининг бекор қилиниши сиёсий партиялар учун ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишда фаол ва самарали иштирок этиш имкониятини беради.

тириш, мамлакатни модернизациялашга қатнашиш учун кенг имкониятларга эга.

Сайлов қўнуччилигимизнинг яна бир хусусияти ҳақида, яъни фуқароларнинг сайловда иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуқини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган сайловчиларни рўйхатга олиш тартиб-қоидалари ҳақида тўхталмоқчимиз. Бундан бунта мамлакат микдосида ҳам, хусусан, хар бир округ мисолида сайловнинг адолатли ўтани, овоз бериш натижаларининг тўғриллиги, қворум таъминлангани еки таъминланмаганлиги, бу шароитда сайлов бўлиб ўтгани ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Жаҳон амалиётда сайловчиларнинг рўйхатга олинишиш

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

билан ҳамкорликда "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Энг янги русумдаги лаборатория воситалари, стерилизация жиҳозлари, физиотерапия асбоблари, турли хасталикларни аниқлайдиган ва самарали даволайдиган тиббий технологиялар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларига аҳолининг ишончи тобора мустаҳкамланаётган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошқа соҳалар қатори аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари кўлами янада кенгайди. Қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, биологик таъмирлаш ва замонавий тиббий воситалар билан таъминлаш буйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида, бундай имкониятдан оқилона фойдаланаётган бирламчи шифо масканлари мутахассислар касалликларининг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-эпидемиологик муҳитни барқарорлаштиришда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг

Эллиқалъа туманидаги "Ибн Сино" қишлоқ врачлик пункти 2009 йилнинг энг намунали қишлоқ врачлик пункти деб топилди ҳамда "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди.

— Ушбу мукофот бирламчи шифо масканлари фаолиятини такомиллаштиришга давлатимиз раҳбари томонидан қаратилган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди мазкур қишлоқ врачлик пункти мудириси Дилором Айтбоева. — Тиббий масканимиз энг сўнгги русумдаги диагностика аппаратлари билан тўла таъминланган. Бизга тақдим этилган автомашина патронаж ишларини янада кенгайтириш, аҳолининг қишлоқ врачлик пунктига ишончини ошириш ва иш фаолиятимизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тақдирда оливий поликлиникалар ўртасида ўтказилган танлов якуни янада эълон қилинди. Сирдарё вилояти, Гулистон шайхидига 1-оливай поликлиника биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Оила шифокори тизими шаҳар шарафига аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни оширишда яхши усул эканини яққол намойён этмоқда, — дейди мазкур поликлиника бош шифокори



Саидхамд Хамроқулов. — Етти нафар оила шифокоримизнинг ҳар бирига икки-икки ярим минг аҳоли бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзосининг жисмоний ва руҳий ҳолати тўғрисида тўла маълумотга эга. Бу хасталикларнинг олдини олиш ва профилактика тадбирларини юқори савидада ташкил этишда гоят кўл келмоқда.

Тақдирда энг фаол умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси танловлари ғолиблари ҳам эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорлар "Ўзбекистон Республикаси

соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўрак нишони ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Байрам концерти даврага янада фойз киритди.

Тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА, ҲАМ ХУБРИ, СУРАТДА: «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» кўрик-танлови ғолиби Дилором Айтбоева.

Сарвар ЎРМОҶОНОВ олган сурат.



НАВҚИРОН ФАСЛ ИҚБОЛИ

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Мамуният билан айтишимиз мумкинки, юртимизда пухта билим олишга интилайётган, санъат, ҳунар ва спорт соҳасида юксак марраларни қўлга киритиш умиди билан яшайётган йигит-қизлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Президентимизнинг беқиёс гамхўрликлари боис бугун улкан муваффақиятларга эришайётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларга боқиб, фахрнамаслик мумкин эмас. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги шижоатли ўғил-қизлар энг катта бойлигимиздир.

Дунёда ғўзал ва мафтункор, бири-бирини такрорламайдиган шаҳарлар, ғўшалар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзгача кўринишда, яъни улар тарихий, маданий жиҳатдан бири-биридан фарқ қилади. Яна шундай шаҳарлар ҳам борки, у ерда навқиронлик фаслининг пок орау-умидлари, куч-ғайратга тўла ёшлиқнинг беғубор нафаси уфуриб туради. Пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ана шундай ғўшадир. Шаҳарча бугунги кунда буткул ўзгача қиёфа касб этган. Бу ерда талабаларнинг яшаш ва илм олиш учун барча замонавий шарт-шароитлар мўҳайб қилинганлигининг ўзидек, яшарга бўлган эътибор ва ишончининг ёрқин намунасидир. Унинг баргидоғи маънавий-маърифий масканлар, спорт мактаулари, санъат қўшоналари ва тураржой бинолари эса жаҳондаги манаман деган мамлакатдаги муқаддас иншоотлардан қолмайди.

Ёшлик ва баркамоллик ғўшасида республикамиздаги энг нуфузли олий таълим муассасалари — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Маданият, Банк, хизмат кўрсатиш ва сервис, Тиббиёт коллежлари, Глиэр номи Республика махсус муқола академик лицейи фаолият кўрсатмоқда. Истиқлол йилла-

рида шаҳарча худудидоғи бинолар тўлиқ таъмирдан чиқариб, янгилари бунёд этилиди, замон талаблари асосида жиҳозланди.

Юртбошимиз раҳнамоллигида келажак ворисларининг тақдирига, уларнинг билимли, иқтидорли, ижтимоий фаол ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун кўрсатилаётган доимий эътибор ва гамхўрликлар самара-

си ўлароқ, ёшлар нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсда ҳам ҳавас қилса аризулик ютуқларни қўлга киритаяптилар. Хусусан, Мадина Расулова, Отабек Раҳимов, Гулчехра Ҳожиева, Назоқат Абдураҳмонова, Шавкат Мавлонов, Низомиддин Бозоров сингари иқтидорли талаба ёшлар юрт ифтихоридир. Улар халқаро илмий анжуманларда ўз сўзини айта оладиган, юртимиз ва жаҳон миқёсидоғи йирик нуфузли танловларда ғолибликни қўлга киритган истеъдод соҳибдорулар.

— Она юртинг — олтин бешигинг деб бежизга айтишмайди, — дейди ЎзМУ талабаси Низомиддин Бозоров. — Тиббир жонд бўлса, "Ёшлик" деб аталувчи талабалар шаҳарчасини ҳам бешак менгаш мумкин. Негаки, бу маскан юртимизнинг турли ғўшаларидан эзу оравлар билан тўлган ёшларни ўз бағрига олиб, камолга етказди. Давлатлик раҳбари бу ерга ташриф бурганларидоғи, биз, ёшларга ишониларини айтиб, келажатимиз ёрқин бўлиши учун барча шарт-шароитни мўҳайб қилишимиз, деган эдилар. Фахрлиниб айта оламизки, бу-

гун аъло ўқишимиз, спорт билан шуғуланишимиз, мароқли дам олишимиз учун нимаки шароит зарур бўлса, яратиб берилган. Бундай беқиёс гамхўрлик бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди, юрт раванқига муносиб ҳисса қўйишга ундайди.

Дарҳақиқат, эъвоз ва эътибор бўлган жойда ўсиш, янгиланиш, тараққиёт оз беради. Шаҳарчада мана шундай тўқис шарт-шароитларда яшар, таълим олаётган ёшлар учун қўлпаб маданий-маърифий тадбирлар, беллашу ва мусобақалар, кўргазма ва концертлар ўтказиш ахши анъанага айланган. Талабалар турар-жойларида танкичи спортчилар, маданият ва санъат ходимлари, ёзувчи ва шoirлар билан учрашув ҳамда давра сўхбатлари ўтказилади.

...Бугун талабалар шаҳарчасида кўнг ва иштиёқ билан билим олаётган, янгиланишга интилайётган, замонавий имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ўз иқтидор ҳамда қобилиятини намойён этаётган ёшлар истикомат қилмоқда. Бу талаба ёшлар эртга эл қорига камарбаста бўлишни, юрт раванқига муносиб ҳисса қўшуви етук малакали мутахассис бўлиб етишишни орзу қиладилар. Уларнинг интилишлари ғўвоҳ бўлган, эзгу ниётларига қўлоқ тутган ҳар бир киши юртимизда ёшларга жамият тараққиотини олға силжитувчи кўч сифатида юксак ишонч билдирилгани бежиз эмаслигини янада чуқурроқ англайди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар қандай миллатнинг раванқи, умумбашаръат тарихида туганган ўрни, мавқеи ва шарҳати белвосита шу юрт фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқчилигига боғлиқдир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Ҳасан ПАЙДОВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ



Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотларда ўтказилган III Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан қутиб олинди.

Мазкур нуфузли мусобақада кўнганнинг 43 мамлакатидан келган 2500 нафардан ортик иштирокчи йигирмадан зиёд спорт тури буйича ўзаро куч синишди.

Бугун шунини оқиниб билан айта оламизки, ўзбекистонлик спортчилар Осиё кўнгансининг ушбу мусобақасида ҳеч қимдан кам эмаслигини амалда намойиш этишди.

Хабарингиз бор, Осиё ўйинларида 84 нафар вақилимиз бўлиб, кикбоксинг, кураш, енгил атлетика, муайтай, пенквот, сүзмиш, спорт рақслари, стритбол, футбол, шахмат ва компьютер ўйинлари каби 12 та спорт тури буйича беллашуларда қатнашган. Юртдошларимиз 5 та олтин, 9 та кумуш ва 10 та бронза (жамми 24 та) медалини қўлга киритиб, норасмий умумжамаъа ҳисобида кўнли ўнликдан жой олишди. Бундан икки йил муқаддам Мақо давлати мезбонлик қилган ёпиқ иншоотларда II Осиё ўйинларида ҳам ортирларимиз бор-йўри 2 тадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишган эди.

Кўнганнинг ўзига хос кичик

Надежда Дусанова, 100 метр масофага сүзмиш буйича эстафета баҳсларида Данил Бугаков, Дмитрий Шевцов, Пётр Ромашкин ва Данил Тулупов шоҳсупанинг юқори поғонасидоғи жой олишди. Компьютер ўйинлари (электрон спорт) буйича эришилган натижалар ҳам мактовга лойиқ. Ушбу беллашуларда юртдошларимиз битта кумуш ва иккита бронза медалларига эгаллик қилишди. Пенквот-силат, футзал (эркаклар), муайтай ва теқоз шахмат буйича қатнашган вақилиримиз ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

— Жорий йил мен учун омадлик келди, — дейди кураш буйича Осиё ўйинлари ғолиби Шаҳар Холимаметов. — Яқинда Украинида ўтган жаҳон чемпионатида биринчи ўринини эгаллаган эдим. Кувонарлисис, кураш Осиё кўнгансидоғи тобора оммалашиб бормоқда. Бу бизни бир томондан хурсанд қилса, иккинчи томондан масъулиятимизни янада оширади. Навбатдаги мусобақаларда ҳам ғолиб чиқиш учун устозларимиз ўғитларига қўлоқ тутиб, ўз устимизда ишлашни давом эттирамиз.

Осиё ўйинларида янада юқори натижалар қўлга киритилиши мумкин эди. Аммо стритбол, футбол (аёллар), кикбоксинг ва боулинг буйича қатнашган спортчиларимиз кўнгандагидек натижаларга эриша олмадилар.

Осиё ўйинларида янада юқори натижалар қўлга киритилиши мумкин эди. Аммо стритбол, футбол (аёллар), кикбоксинг ва боулинг буйича қатнашган спортчиларимиз кўнгандагидек натижаларга эриша олмадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ
тайёрлади.

Фахр

ОБ-ҲАВО

(10 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзариги туради, ёгингарчилик бўлмайди. Жойларга туман тушади. Кечаси 2-7 даража соғуқ, кундузи 3-8 даража илик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қўлиммайди. Туман тушади. Харорат тунда 3 даража соғуқ билан 2 даража илик атрофида, Навоий вилоятининг шимолида эса 2-7 даража соғуқ, кундузи 3-8 даража илик бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзариги туради, ёгингарчилик қўлиммайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража соғуқ билан 2 даража илик атрофида, кундузи 3-8 даража илик бўлади. Ўзбекистоннинг шимолида эса 2-7 даража соғуқ, кундузи 3-8 даража илик бўлади.

Қаشقдар ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзариги туради, ёгингарчилик қўлиммайди. Туман тушади. Кечаси 1-6, кундузи 5-10 даража илик бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қўлиммайди. Баъзи худудларга туман тушади. Тунда 3 даража соғуқ билан 2 даража илик атрофида, кундузи 3-8 даража илик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзариги туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Харорат тунда 1-3 даража соғуқ, кундузи 2-7 даража илик бўлади.

«Ўзгирмоёт» маълумотлари асосида тайёрланди.

Alliance Insurance

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ALLIANCE INSURANCE» СУГУРТА ТАШКИЛОТИ

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги 210-сонли «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, ўз жавобгарлигининг таъминотида сугурталашни тақлиф этади.

Сугурта буйича мутахассис тақлиф этилган жойга чиқиши таъминланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 35-уй,
Тел.: 120-71-00, 710-30-00, 414-41-77,
www.a-insurance.uz
e-mail: alliance@a-insurance.uz

Лицензия СФ № 00121

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

(кейинги ўринларда — Суд департаменти)

1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очiq танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари буйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомобил-транспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари буйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган арıza ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносидоғи (Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй) 2009 йил 10 ноябрдан бошлаб ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади:

- Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари буйича 2009 йил 14 декабрда;
- Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улугбек туманлари ҳудудлари буйича 2009 йил 15 декабрда;
- Сергели, Яқасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари буйича 2009 йил 16 декабрда танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохбосчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйдаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомидоғи фаолият юритаётган;
- охириг 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома буйича мажбурий тарафларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган.

Танловда ғолиб чиқишининг асосий мезонлари:

- истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қўлайлиги, вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва қозалорга яқинлиги;
- мол-мулкларнинг сақлинишини, турқумлинишини,

навларга ажратилишини ва бутлигини таъминловчи жой (ўскуна)ларнинг мавжудлиги;

- мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;
- мавжуд яроқли техникаси;
- ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг паслиги.

3. Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- комиссия номига арıza;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги ғўвоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусخаси;
- савдо ташкилоти тасис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шаклл) нусхаси;
- савдо ташкилотидоғи назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо дўконининг жойлашган манзили тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф қўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилгани керак);
- мол-мулкларнинг сақлиниши, турқумлиниши, навларга ажратилиши ва бутлигини таъминловчи жой (ўскуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10x15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилгани) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
- талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати буйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида тақлиф (10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда).

Алоҳида турдаги фаолиятини амалга ошириш учун рўхсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунинг-

дек, нотариал тасдиқланган рўхсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган савдо қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Арıza ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вақил томонидан топширилган бўлса, унда унинг вақилларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Арızaга талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд буйича ўтказилаётган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Юқоридоғи белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган арıza ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Арıza ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳудудлар буйича ўтказилаётган танловдан 5 кун олдин тўхташилади, арıza ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносидоғи.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 3-уй, телефонлар: 241-16-38, 241-16-37, 241-79-17 комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил буйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади.

Арızaга илова қилинган ҳужжатлар шахсан, кўрнёр ёки алоқ бўлими орқали ёпиқ конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзилга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари буйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш буйича танлови»га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқ бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбошисидоғи назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртама Г — 1003. 32963 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

ТАХРИРИЯТДА КОЛГАН ҚЎБЎМАЛАР ТАҚДИР ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

1.Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА Яқуни — 23.20 Топширилди — 23.30

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолматова. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусаҳҳих — Ш. Маираббоев.

1 2 4 5